

Нефть маҳсулотларини сотиш ҳақидаги

02/181 -сонли ШАРТНОМА

Богдод шаҳарчаси

2022 йил 16 01

“Фарғона нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан Кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб аталувчи Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари А.Абдуганиев бир томондан ва “Истеъмолчи” деб юритилувчи МАРГИЛОН ШАХАР МУСИКАЛИ МАКОМ ТЕАТРИ номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари Т.Султонов томондан, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖнинг нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молниявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан ўтган ҳафтада биржа савдоларида шаклланган ўртача котировка нархларида “Истеъмолчи”га сотади.

1.2. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖ ва бошқа ишлаб чиқарувчилар, шунингдек импортёрлардан сотиб олинган нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молниявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан биржа савдоларида сотиб олинган нарх устига ўзининг устамасини кўйиб “Истеъмолчи”га сотади.

1.3. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва микдордаги нефть маҳсулотларини етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса етказиб берилган нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.4. “Таъминотчи”нинг (“Фарғона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиалларининг) тасарруфида мавжуд бўлган резервуарларда (АЁҚШ ёки ФЁТШларида) “Истеъмолчи”нинг 1 тонна нефть маҳсулотларини сақлаганлиги, “Истеъмолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қўйиб берганлиги учун “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га 1 суткага 3580 сўм миклорда хизмат ҳақи тўлайди.

“Таъминотчи” (“Фарғона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиаллари) мавжуд бўлган резервуарларда “Истеъмолчи”нинг нефть маҳсулотларини сақлаганлиги, “Истеъмолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қўйиб берганлиги учун “Истеъмолчи”га ҳар ой якуни бўйича илоҳида ҳисоб-варақа (счёт-фактура) тақдим этади.

“Истеъмолчи” ҳисоб-варақа (счёт-фактура) олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун мобайнида тўловни амалга оширади.

1.5. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг нефть маҳсулотларини сақлаш жараёнида нефть маҳсулотлари туридан келиб чиқиб “Нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташвиш, бериш ва ҳисобга олиш бўйича Йўриқнома”га асосан ҳар ой якуни бўйича “Истеъмолчининг” нефть маҳсулотига “табiiий йўқотиш” қўллайди (табiiий йўқолган нефть маҳсулоти “Таъминотчи” томонидан қоплаб берилмайди).

## 2. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ-ҚИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг тахминий умумий суммаси 6015862<sup>87</sup> сўмни ташкил қилади.

2.2. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси олинган кун и соғилиши сўралган нефть маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. “Истеъмолчи” мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефть маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни амалга оширади.

2.3. Сотиладиган нефть маҳсулотлари учун тўловлар “Таъминотчи”нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш, пластик карточкалар ва нақд пул шаклида амалга оширилади.

### **3. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ**

3.1. Нефть маҳсулотлари “Таъминотчи”нинг омборидан ёки унга қаршли филиаллардан “Истеъмолчи”нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефть маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатга олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда сотилади.

3.2. Нефть маҳсулотлари “Истеъмолчи”га унинг сўровига асосан “Таъминотчи”нинг маҳсуе автотранспортда белгиланган тартибда етказиб берилиши мумкин. Нефть маҳсулотларини, шунингдек “Истеъмолчи” томонидан барча ёнғин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсуе транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайга кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефть маҳсулотлари омборига нефть маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Ақс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотларининг қўйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситалари бўли кетган ҳолларда “Таъминотчи”жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефть маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи”нинг автотранспортда олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) “Истеъмолчи”нинг талабига биноан “Таъминотчи”нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

### **4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Нефть маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. “Истеъмолчи”нинг вакили нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефть маҳсулотларини солинганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар “Таъминотчи”нинг омборида ёки унга қаршли филиалларда расмийлаштирилади ва уларни “Истеъмолчи” томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефть маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгаллик ҳуқуқи тасодифий нобуд бўлиши, нефть маҳсулотларига зиён етиш хавфи “Таъминотчи” омбори ёки АЁҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб “Истеъмолчи”га ўтади.

### **5. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ**

5.1. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини сотишни кафолатлайди. Сотилаётган нефть маҳсулотларининг сифати 1510- ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефть маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефть маҳсулотларини олишда “Истеъмолчи” уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиши ҳуқуқига эга.

### **6. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва “Хўжалик юригувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. “Таъминотчи” нефть маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефть маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. “Таъминотчи” нефть маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан теклаб бериш билан бир қаторда “Истеъмолчи”га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефть маҳсулоти қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

6.4. "Истеъмолчи" белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун "Таъминотчи"га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. "Истеъмолчи" ўзининг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрларига тўлиқ амал қилинишига жавобгардир.

6.6. "Истеъмолчи" етказиб берилган нефть маҳсулотларини саклашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.7. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

## 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зиلزила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иқтисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

### "ТАЪМИНОТЧИ"

"Фарғона нефть базаси" МЧЖ

Манзили: Боғдош шаҳарчаси

Х.Олимжон кўчаси 123-уй.

СҚБ Яшнобод филиали

х/р: 22604000700215485707

МФО: 00432

СТИР: 201104250

Рахбар: А. Абдуганпев

М.Ў

### "ИСТЕЪМОЛЧИ"

МАРГИЛОН ШАҲАР МУСИКАЛИ  
МАКОМ ТЕАТРИ

Б. Маргилоний 45 уй  
Маргилон шаҳарчаси 65  
Машиқдорлик Фазоли

УР: 40012160304127082600056001

СТИР: 30083689

МФО: 00019

Рахбар: Т. Султонов

М.Ў

## ҲУҚУҚИЙ ҲУЛОСА

Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномани ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беради. Ушбу шартномани амалда бўлади деб ҳисоблайман.

Юридик бўлим бошчилиги:



А. Абдуганпев

Н.Ахунташев

2022 йил "26 01" № 08/181 -сонли шартномага 1 илова

## “БУЮРТМАЧИ”

МАРГИЛОН ШАХАР МУСИКАЛИ МАКОМ ТЕАТРИ

“Фаргона нефт базаси” МЧЖ

### СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Нефт маҳсулотлари номи	Ўлчов бирлиги	1 тоннаси нархи	Миқдори, тонна	Умумий суммаси
	Автобензин АИ-80	тн	10 420 784,30		
	Автобензин АИ-91	тн	12 470 610,00	0,25	3117652 <sup>50</sup>
	Дизель ёнилгиси	тн	11 592 841,47	0,25	2898210 <sup>37</sup>
	Дизель ёнилгиси ЭКО	тн	11 546 574,0		
	Жами:				6015862 <sup>87</sup>

Изоҳ: Дизель ёнилгисининг нархи Ўзбекистон Республикаси товар ҳам ашё 10-01-20222 14-01-2022 йил кунлардаги (утган ҳафтадаги) шаклланган ўртача биржа котировки нархларидан озилади. Ушбу нарх 24.01.2022 йил кунигача амал қилади.

Автобензин маҳсулотига биржа электрон савдолари орқали сотиб олинган маҳсулот нархига нефт база устамаси қўлланилди.

Умумий жами: <sup>87</sup> 6015862 (Сўли қаралган ўн беш минг саккиз юз  
оқтинчи икки юз ми 87 тақсим)

Мазкур спецификация икки нусхада тузилди.

“ТАЪМИНОТЧИ”

А. Абдуганиев

“БУЮРТМАЧИ”



Т. Султонов

Юридик бўлим бошлиғи:



Н. Ахунгашев